



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲЎЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ  
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ  
РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗ ҚИЛИШ  
МАСАЛАЛАРИ.  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Тузувчи:**



**Тошкент – 2015**

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....                                      | 3  |
| МАЪРУЗА: .....   | 10 |
| Ер ресурсларидан фойдаланишнинг вазифалари ва мазмуни .....  | 10 |
| АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР .....                                     | 20 |
| Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси ..... | 20 |
| ТЕСТ .....   | 27 |

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХЎЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”**

**Тармоқ маркази директори**

**С.С.Гулямов**

“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ **2015 йил**

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ  
РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ  
МОДУЛИНИНГ**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Ер тузиш ва ер кадастри ОТМ таълим йўналишлари ва мўтахассисликлари бўйича умумқасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

**Тошкент – 2015**

Модулнинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

**ТУЗУВЧИ:**

**Қ. Раҳмонов** – Ирригация ва мелиорация институти ер тузиш ва ер кадастри кафедраси доценти, и.ф.н.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**Норқулов.У** – Тошкент давлат аграр университети агрономия ва деҳқончилик кафедраси доценти.

**С. А. Абдуллаев** - Ўзбекистон Миллий университети Агрокимё кафедраси мудири, к.ф.д., профессор.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган ( 2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома ).

## Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Олий таълим муассасалари “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим – тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш масалалари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш масалалари” модулининг вазифалари:**

• Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш масалалари фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан

боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

“Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- ер тузиш ер кадастри йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- ер тузиш ер кадастри йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- ер тузиш ер кадастри кадастри соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- ер тузиш ер кадастри йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- а ер тузиш ер кадастри йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.
- ер тузиш ер кадастри йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини ярата олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ер тузиш ер кадастри йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ер рузиш ва ер кадастри фанининг долзарб масалалари”, “Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш масалалари”, “Ер тузиш ер кадастрининг турлари, таркибий қисимлари ва асосий тамойиллари” ўқув модуллари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогноз қилиш масалалари аниқлаш,

уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимооти:**

| №  | Модул мавзулари   | Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат |                         |                 |                |  |                 |
|----|---|-----------------------------------|-------------------------|-----------------|----------------|--|-----------------|
|    |   | Хаммаси                           | Аудитория ўқув юкلامаси |                 |                |  | Мустақил таълим |
|    |   |                                   | жами                    | жумладан        |                |  |                 |
|    |   |                                   | Назарий                 | Амалий машғулот | Кўчма машғулот |  |                 |
| 1. | Ер ресурсларидан фойдаланишнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни. | 4                                 | 4                       | 4               |                |  |                 |
| 2. | Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси.         | 2                                 | 2                       |                 | 2              |  |                 |
|    | <b>Жами:</b>  | <b>6</b>                          | <b>6</b>                | <b>4</b>        | <b>2</b>       |  |                 |

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-МАВЗУ: ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ (4-соат).**

**Режа:**

1. Ер ресурсларидан фойдаланишда янги технологиялардан асосида фойдаланиш.
2. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг.
3. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг вазифалари ва мазмуни.

Табиий ресурслар ичида ер, айниқса катта аҳамиятга эгадир. Биз юқорида Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44890,1 минг.га ни ташкил этади, деб айтиб ўтган эдик.. Ушбу майдоннинг 90 фоизига яқини давлат томонидан эгалик қилиш ёки фойдаланиш мақсадларида турли корхона, муассаса ва ташкилотларга бириктирилган. Ер ресурслари республиканинг миллий бойлигидир.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ.**

**1-МАВЗУ: ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТАЖРИБАСИ ( 2-соат).**

**Режа:**

1. Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш.
2. Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси.

МДХ давлатларида ер кадастри асосан республикамизда юритилаётган давлат ер кадастрининг тамойилларига ҳамда вазифаларига яқин услубда олиб борилади. Аммо шу билан бир қаторда баъзи бир хусусиятларга эгадир. Бундай хусусиятлар асосан МДХ давлатларида ер майдонларининг бир қисмини хусусийлаштирилганлиги, тўғридан - тўғри бозор муносабатларига тортилганлиги билан боғлиқдир.

Россия федерациясида ер кадастрини юритиш, асосан, ер ресурслари ва ер тузиш Давлат кўмитасига юклатилган. Давлат кўмитаси ўз фаолиятини Россия Федерациясининг Конституциясига, қонунларига, Президент фармонларига, Давлат думасининг ва Россия Федерацияси ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ҳолда амалга оширади.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

**Ер турларини атамалари ва туркумларини ўрганиш. Ўзбекистон ер фонди тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилиш.**

Ерларни сифат ва иқтисодий жихатдан баҳолаш улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер кадастри ҳужжатлари ва уни юритиш. Туманда ер кадастри ҳужжатлари: ер кадастри китоби ва уни юритиш. Вилоятда ер кадастри ҳужжатлари турлари ва уларни юритиш. Ер тузиш таркибида тупроқ ва кадастр ишлари тарихини ўрганиш.

**Дунё ер ресурслари ва улардан фойдаланиш. МДХ нинг ер ресурслари ва улардан деҳқончиликда фойдаланиш.**

Республикада қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ва бошқа ҳужжатлар билан мустақил танишиш. Ўзбекистон Республикаси тупроқларини агрономик ишлаб чиқариш гуруҳларига ажратиш ва уларнинг ер баҳолаш гуруҳлари классификаторини мустақил ўрганиш.

Хўжалик, туман, вилоятларда ер кадастри учун керакли ҳужжатлар (жадваллар, Қайдномалар, далолатномалар ва бошқалар) ни дафтарга кўчириб олиб, тўлдиришни мустақил ўрганиш. МДХ Республикалари тупроқларини бонитировкалаш услублари. Сугориладиган бўз тупроқларда сабзавот экинларини ҳосилдорлиги билан тупроқ унумдорлиги ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ва улар асосида тупроқ бонитировкасини ўтказиш

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Гафурова Л.А., Турапов И., Намозов Х. «Ер кадастри», Т. ЎЗМЭ 2006 й
2. Туропов И., Намозов Х. Ер кадастри маъруза матнлари, 2002 й.
3. Қузиёев Р.Қ., Юлдошев Ф.Ю., Акрамов И.А. «Тупроқ бонитировкаси». Тошкент «Молия» 2004 й.
4. Намозов Х.Қ., Шадраймова К.И., Турдиметов Ш.М. «Тупроқ бонитировкаси». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Тошкент 2004 й.



5. Туропов И., Номозов Х. “Тупроқ бонитировкаси” “Фан ва технология” Тошкент 2010 й.
6. Бобожонов О., Қ.Рахмонов., А.Ғофиров, Ер кадастри. Тошкент, Чўлпон 2002й.
7. Мақсудов Ж.М., Нагаев Г.Г., Акрамов И.А., Қўзиев Р.Қ.,
8. Ахмедова А.У. «Тупроқ хариталари ва ерларни баҳолаш хужжатларидан фойдаланиш» Т.2000 йил.
9. Толипов Ғ., Ғуломов Х., Махсудов Ж., Акрамов И, Ўзбекистон республикаси ер кадастри, Тошкент 1994 й.
10. Ғофурова Л.А., Шадраимова К.И., Номозов Х.Қ.-«Тупроқ бонитировкаси» маъруза матни. ТошДАУ, 2000
11. Қурбонов Э., О.Бобожонов, Қ.Рахмонов «Ер кадастри асослари» Т.1999 й.

**Сайтлар:**

<http://www.bio.pu.ru>.

<http://www.zona.ru>.

<http://doklad.ru>.

<http://www.doektu.kz>.

## МАЪРУЗА:

### Ер ресурсларидан фойдаланишнинг вазифалари ва мазмуни Режа:

1. Ер ресурсларидан фойдаланишда янги технологиялардан асосида фойдаланиш.
2. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг.
3. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг вазифалари ва мазмуни.

**Таянч иборалар:** ер ресурслари, объект субъект, куруклик, тупроқ, география, қишлоқ хўжалиги.

**1. Ер ресурсларидан фойдаланишда янги технологиялардан асосида фойдаланиш.** Табиий ресурслар ичида ер, айниқса катта аҳамиятга эгадир. Биз юқорида Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44890,1 минг.га ни ташкил этади, деб айтиб ўтган эдик.. Ушбу майдоннинг 90 фоизига яқини давлат томонидан эгалик қилиш ёки фойдаланиш мақсадларида турли корхона, муассаса ва ташкилотларга бириктирилган. Ер ресурслари республиканинг миллий бойлигидир.

**Ер – турли фан соҳаларида турлича маънога эга. Масалан:** астраномияда «Ер» - **Қуёш атрофида айланувчи ва унинг тизимида учинчи бўлган сайёра;** географияда «Ер» - **мазкур сайёранинг куруклик қисми;** қишлоқ хўжалигида «Ер» - **сайёрамизнинг куруклик қисмининг энг юқори тупроқларини қамраб олувчи атроф табиий муҳитнинг алоҳида бир қисми ёки компоненти;** юриспруденцияда «Ер» - **тасарруф қилиш, эгаллаш ва фойдаланиш предмети ҳамда ижтимоий муносабатларнинг мустақил объекти сифатида қараладиган сайёрамиз куруклик қисмининг энг юқори катлами;** техник соҳасида «Ер» - **маълум бир турдаги халқ хўжалиги объектларини қуриш ёки жойлаштириш учун мўлжалланган замин ҳисобланади.**

Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади, умумий қурилишда ердан фойдаланиш билан боғланган жамият эҳтиёжини янада юксак даражада қондиришга имкон берадиган ердан фойдаланишнинг ва ер муносабатлари тизимининг шаклланишини таъминлаш ва яратишдан иборатдир.

Ер ресурсларини бошқариш тизимининг асосини объект, субъект, предмет, мақсад, вазифа ва бошқариш функцияси ташкил этади. Бошқаришнинг объекти ва предметини тарихий ижтимоий жарёнлар натижаси деб билиш зарур. Бошқаришнинг предмет ва объект турлари бир-бири билан узвий боғланган. Масалан, кўп қаватли биноларнинг ер участкаларини бошқариш, бир қаватли бинолар жойлашган участкаларни бошқаришдан анча фарқланади.

Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади, моҳияти ва вазифасини мустақил Ўзбекистон жамиятининг бугунги кундаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаракати белгилаб беради.

Бошқариш объекти Ўзбекистон Республикасининг ер фондидир, унинг субъектлари маъмурий-худудий бирликлар, туманлар, шаҳарлар. ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларининг ер участкаларидир.

Бошқаришнинг таркибига ердан фойдаланишни ташкиллаштириш жараёни ҳам кириб, у маълум худудий чегара доирасидаги аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини таъминлайди, Эҳтиёжлар ердан фойдаланишнинг

бошқаришга тегишли бўлган турли-туман усулларини қўллашни такозо этади.

Бундай усулларга куйидагилар киради:

- ердан фойдаланувчи чегараси қамровида худудий ташкиллаштиришни амалга ошириш;
- ердан фойдаланиш жараёнининг мухандислик таъминоти (мухандислик коммуникациялари);
- ер участкасининг ҳуқуқий мақомини ўрнатиш (мулкчилик, фойдаланиш мақсади, ижара, чегаралаш, саклаш вазифаси ва бошқалар);
- ердан фойдаланишнинг турлари (фойдаланишга рухсат берилганлиги) ва йўналишларини ўрнатиш;
- ердан фойдаланишда самарали иқтисодий ва экологик технологияларини татбиқ этиш;
- ернинг табиий ва иқтисодий ҳолатининг тахлили;
- ернинг миқдор ва сифат ҳолатига ва мақомига таъсир кўрсатадиган бошқа тадбирлар.

Бошқариш тизимининг ишлаб чиқариш ва яратиш жараёнига объекти ва предметдан ташқари бошқарувининг мақсади ва вазифалари ҳам таъсир кўрсатади. Мақсад ва вазифалар эса жамият томонидан қисқа муддатда шакллантирилади. Чунончи, мақсад ва вазифа бошқаришнинг предмети ва объекти ҳолатини ҳисобга олиш билан шаклланади. Шаклланиб бўлинган мақсад ва вазифа эса уларни реализация қилиш пайтида бошқаришнинг предмети ва объектини шакллантиради. Ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади жамиятнинг мужассамлашган эҳтиёжини ифодалашдир. Мақсад ер ресурслари хусусиятларидан фойдаланиш асосида қондирилиш ҳолатининг келажаги ва улардан фойдаланиш жараёнини акс эттиради. Ердан фойдаланишнинг ўзи бу ер ресурсларига айрим субъектлар ёки жамиятнинг бевосита таъсир кўрсатишидир. Шу билан бирга ҳар қандай таъсир кўрсатувчи ернинг аниқ хусусиятини истемол қилиш тушунилади.

Жамият алоҳида субъектлар мақсадини уларнинг оммавийлиги ва хилма-хиллиги сабабли тўла назорат қилишга қодир эмас. Бу жараёнлар бошқаришда ердан фойдаланишнинг умумий қоида ва чегараларининг ўрнатилишини талаб қилади. Бундай чегаралар фойдаланиш қоидаларини ҳуқуқий расмийлаштириш ер муносабатларини чегаралаш ва фойдаланиш тизимини ўрнатиш асосида яратилади. Бундай ҳолат ердан фойдаланишнинг ҳар қандай ҳолати учун ҳосдир ва ер ресурсларининг барча тизимлари учун умумий бўлиб ҳисобланади.

Вақтнинг аниқ пайтида, яъни ижтимоий, иқтисодий, экологик ёки уларнинг ўзаро бирлигида мақсад алоҳида эътиборни ифодалаш мумкин. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар қишлоқлар ва шаҳарлар худудида ижтимоий аспект устунликка эга эди. Уша пайтда аҳолининг барча эҳтиёжларининг максимал қондирилиши мумкинлигига урғу берилган. Ҳозирги пайтда ер бозори ривожланган шароитда иқтисодий аспекти ҳисобга олишнинг қайта мўлжалланиши рўй берди, яъни максимал

иқтисодий самарадорликка эришиш мўлжалланмоқда. Бу эса кўпинча харажатларни қоплаш ва бюджетга пул тушумининг кўринишини ифодалайди. Бироқ бошқаришнинг мақсадини аниқлашда ижтимоий йўналиш инobatга олинмаса, вазият кескинлашуви юзага келиши мумкин. Шунинг учун ер ресурсларини бошқаришнинг мақсади турмуш шароитларини ижтимоий ва экология жиҳатдан юқори даражасини таъминлашга имкон берадиган ердан фойдаланиш ва ер муносабатлари тизимининг амал қилишини таъминлаш ва яратишдан иборатдир. Бошқаришнинг субъектлари қуйидагиларга бўлинади: давлат, маҳаллий ва хўжалик бошқарувини амалга оширадиган субъектлар. Ўз навбатида, давлат бошқаруви умумий ва идора (тармоқ) бошқарувига бўлинади.

Давлат бошқарувини умумий ва махсус ҳуқуқ доирасига эга бўлган органлар амалга оширадилар. Давлат бошқарувида Ўзбекистон Республикасининг белгиланган тетраси доирасидаги ер тоифалари ва ер участкасидан фойдаланувчи субъектлар бўйича ер ресурслари тақсимооти амалга оширилади.

Маҳаллий бошқарувни маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари амалга оширадилар. Бунда бошқарув махсус ҳуқуқий мақомга эга бўлиши мумкин. Ердан фойдаланишда хўжалик бошқарувини ер участкасидан фойдаланувчилар ва мулкка эгалик қилувчиларнинг ўзлари амалга оширадилар. Ер ресурсларини бошқариш мажмуали тавсифга эга, чунки ер муносабатлари субъектларнинг манфаатларига тегишли бўлиб, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жараёнини бошқаришга тизимли ёндашувни кўллаб-қувватлаш заруриятини келтириб чиқаради. Ташкилий, технологик ечимларни экологик-иқтисодий оқибатлар имкониятлари билан боғлашни талаб қилади.

Ер ресурсларини бошқариш бўйича ижроия - фармойиш бериш органлари фаолиятининг мазмуни ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва башоратлаштиришдан иборат, яъни ерларни қайта тақсимлаш ва тақсимлаш, ердан фойдаланиш, ерга эгалик қилишнинг тартиби ва меъёрини белгилаш: ерларни муҳофаза қилиш ва ердан фойдаланганлиги учун фаолиятини назорат қилишни текшириш ва тезкор - фармойиш бериш. Ер ресурсларини бошқариш тизимида кечадиган жараёнлар асосини узлуксиз ахборот алмашуви ташкил этади. Бу алмашувни таъминлайдиган восита ер кадастри ва ер мониторинги ҳисобланади.

Ахборотларни тўплаш, ишлов бериш ва уларнинг тахлили яхлит бошқариш тизимининг моҳиятини белгилайди. Шунинг учун ахборотлар бошқариш компонентларини аниқлаш ва уларнинг маъмурий ҳудуд даражаларида ўзаро алоқадорлигн ҳам муҳимдир.

Ахборотларнинг манбаи ер кадастри хизмати ва бошқа идоралар, шунингдек, ҳокимиятнинг ижроия органларининг материаллари бўлиши мумкин: картографик материал, реестрлар, ҳисоботлар, китоблар ва қайдномалар, каталоглар, рефератлар, экспертлар маълумотлари, қомуслар, бошқа текширув ҳамда таҳлил материаллари.

## 2. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг.

Вилоят ва туман (шаҳар) органлари томонидан қуйидаги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ер ресурсларини бошқаришни амалга ошириш керак:

- ер участкалари аниқ ҳудудларда истикомат килувчи аҳолига ва давлатга тегишли. Шунинг учун улардан фойдаланиш бўйича фармойиш бериш ҳамда ер ресурсларидан фойдаланганлик учун масъулият масалалари бўйича туман (шаҳар), вилоят ва давлат органлари ўртасида мувофиқлик зарур;

- ер ресурсларидан фойдаланиш натижасидан минтақанинг барча аҳолиси манфаатдор бўлиши керак;

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига биноан, ижара шартномаси асосида ердан фойдаланиш пуллик бўлиши керак. Ердан фойдалангани учун тўлов ҳажми ерлар тасарруфига киритилган ҳокимият органларига вилоят ҳокимияти қарорларига мувофиқликда, давлат ер кадастри баҳолаш натижалари асосида белгиланган бўлиши керак;

- ер обороти, (яъни, ер участкалари билан боғлиқ барча турдаги келишувлар) вилоят ҳокимияти ўрнатган қоида бўйича амалга оширилган бўлиши керак. Бунда, ер ресурсларини таксимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида ваколатларни чегаралаш тўғрисида шартномада назарда тутилган, минтақа шароитлари хусусиятларини ҳисобга олишнинг мажбурлиги инобатга олиниши керак

- агарда бу фойдаланиш жараёнида атроф-муҳитга ёки аҳолининг турмуш шароитига зарар етадиган бўлса, вилоят ҳокимияти ҳар қандай мулкдорнинг ердан фойдаланишининг чегараланишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ер ресурсларини бошқариш соҳасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан вилоят органлари манфаатлари, асосан, мос келади. Бирок, манфаатдорлик маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини маҳаллий бюджетни шаклланишида ер ресурсларини бошқариш муаммоси, асосан фақат молиявий нуктага-назар билан ҳисобга олинади.

Туман (шаҳар) ҳудудларидаги ерларни бошқариш ўз-ўзини бошқариш органлари қабул қилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида олиб борилади. Ҳар бир ҳужжат мавжуд мақсад ва тартибни амалга оширишга таъсир кўрсатади. Амалдаги қонун билан мувофиқликда айрим масалалар бўйича маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ер муносабатларини қарор топиши ва ривожланишига вилоят ҳокимияти даражасида ер масаласини ечишни кутмасдан фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Туман (шаҳар) ҳокимияти томонидан ерларни бошқаришни таъминловчи асосий ҳаракатлар қуйидагилардан иборат:

- ерлардан фойдаланишнинг мунтазам тартибга солиш ва режалаштириш;

- ерларни фойдаланиш истеъмолидан чиқариб олиш ва такдим этиш;

- ер мониторинги юритиш ва ер тузиш ишларини амалга ошириш;

- ерларни мухофаза қилиш ва фойдаланиш бўйича назоратни таъминлаш.

Ерларни бошқариш ҳаракати ҳуқуқий нуктаи назардан турли хил тавсифга эга. Масалан: ер участкасини тақдим этиш ва истеъмолдан чиқариб олиш бўйича ҳаракатлар ҳуқуқий мақом тавсифига эга: ер кадастрини юритиш бўйича ва ҳуқуқий мақом, ерлар мухофазаси бўйича ҳуқуқий мақомлар каби.

Ердан фойдаланиш бўйича фармойиш бериш (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳуқуқ доирасида) мақсадли вазифаларни белгилаш билан, ер участкаларидан умумий фойдаланишларни ёки бошқа ерларни истеъмолдан чиқариб олиш билан ер участкаларини мулкчиликка, ижарага, доимий фойдаланишга тақдим этиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этириш йўли билан амалга оширади.

1990 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг айрим жиҳатлари бугунги жамиятда амалга оширилаётган туб ислохотлар шароитида замон талаб даражасига мос келмай колди. Ер участкаларини тақдим этиш ва истеъмолдан чиқариб олиш тартибини белгилайдиган Ер кодексининг моддаларида ер режали курилишларни амалга ошириш учун ўрмон ёки қишлоқ хўжалиги вазифаларидан, ер тоифасиини бир туридан иккинчи турига ўтказиш, истеъмолдан чиқариш масалалари амалга оширилади. Аммо, ер фондининг таркибий тузилиши доимий эмас. Иқтисодий, экологик, ижтимоий омиллар таъсири остида ер фондининг тоифалари нисбатан ўзгариши ёки ҳатто янги тоифалар шаклланиши мумкин. Мустақиллик давригача курилиш объектлари ўрни аниқ белгиланган ва у шаҳарсозликнинг асосий ҳужжати бўлган. Шаҳарнинг бош режаси-ҳозирги вақтда аҳоли пункти ҳудудлари ривожланишининг тадбирлари сифатида ишлаб чиқилмоқда. Шунинг учун аҳоли пункти ҳудудларида бош режада назарда тутилган курилишнинг муҳим объектлари ҳам, вақтинчалик объектлари ҳам пайдо бўлиш эҳтимоллари мавжуд. Масалан: савдо расталари, чодирлар, бекатлар мажмуаси. Янги шаклдаги ердан фойдаланувчиларга эса ер участкаларини ажратиш тартиби аниқ белгиланмаган. Шу муносабат билан юқорида таъкидлаб ўтилган объектларни жойлаштириш ва уларга ер участкаларини ажратиш тартибини маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўрнатишлари керак.

Туман (шаҳар) ҳокимияти ер ресурсларини бошқариш соҳасида янги йўналиш, яъни давлат ер кадастрининг маъ-лумотлари асосида ерлардан фойдаланишнинг истикбол режасини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ-Бунда ер участкаларидан фойдаланиш бўйича бошқарувчилик қарорларини асослашда омилларни ҳисобга олиш, самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ишлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари қабул қиладиган қарорларига таъсир кўрсатиши асосланган бўлиши керак.

Бундай омилларга қуйидагилар киради:

- ер участкасининг мўлжалланган фойдаланиш мақса-дига мувофиқлиги (ўрнашган жойи, экологик вазият, фой-

даланишдаги чеклаш);

- иқтисодий кўрсаткичлар (ер участкасининг қиймати ёки ижара ҳақининг ҳажми, участкани ўзлаштириш сарф-ҳаражатлари, қўйилган мақсадга эришиш учун капитал қўйилма);

- салбий жараёнлар қўйилган мақсадга эришилгандан кейин пайдо бўлиши ҳам мумкин (экологик вазиятнинг ёмонлашуви, белгиланган меъёрларнинг бузилиши, ижтимоий таранглик ва можароли вазиятнинг вужудга келиши, участкадан фойдаланиш бўйича чеклашлар);

- • қўйилган мақсадга эришилгандан кейин режалаштирилган фойда.

Бу жараёнда ер ресурсларидан фойдаланишнинг миқдорий ҳолати аниқланиши керак. Турли хил ечимлар самарадорлигининг қиёсий тахлили ўтказилади. Шулардан келиб чиқиб, таклиф қилинадиган вариант ҳуқуқий рухсат этилган, жисмонан мумкин, молиявий жиҳатдан ўзини оқлагач, кейин ҳокимиятнинг давлат ёки Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан қарорлар қабул қилиш учун таклифлар ишлаб чиқади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ва туман ҳокимиятининг ўзаро муносабатлари натижаси сифатида биринчиси учун аҳолининг эҳтиёжини қондириш керак, иккинчиси учун солиқ ва бошқа молиявий тушумлар олиши керак. Шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тўплаган молиявий маблағлар ҳудуднинг барча аҳолисини турмуш даражасини оширишга йўналтирилган бўлиши керак.

Туман (шаҳар) ҳокимияти бошқарувининг асосий вазифалардан яна бири ўзини барқарор фаолиятини таъминлашдан иборатдир. У ўз мохияти билан динамик мувозанат қолатида бўлиши керак. Шунга ўхшаш объектлар учун иккита асосий хусусият тавсифлидир:

- объектнинг таркибий қисмлари уларнинг жойлашиш мақоми ва фойдаланиш кўлами;

- вақт бўйича ўлчамларнинг ўзгариб туриши.

Шунинг учун туман (шаҳар) ҳокимияти бошқариш таркибини тузиш пайтида бошқарувчилик фаолиятининг барча йўналишлари таркиби таъминланиши керак.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ташкилий тузилиши бир бирдан жиддий фарқланиши лозим. Бу тафовут ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга боғлиқ. Объектив сабабларга ҳокимият ҳудудида мавжуд шаҳарларни бунёд этувчи корхоналар уй-жойларга эга ва уларни сақлаб туради, сув ва иссиқлик билан таъминлайди. Улар умумшаҳар вазифаларини бажарадилар ва бошқаларни ҳам уй-жой билан таъминлаши мумкин. Субъектив сабабларга маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг раҳбари ўзининг тажрибаси, билими ва мақсадларини ҳисобга олиш билан ер ресурсларини бошқариш жараёнида шаклланади. Умумий ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари: иш юритиш мақсади, қарор қабул қилиш услуги, вазифаларни бажариш тури кабиларга бўлинади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг мақсадли иш юритиши бўйича улар нафақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ечадилар,

балки ҳокимиятнинг давлат органлари зиммасига юклатилган айрим давлат ваколатларини ҳам бажарадилар. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мустакиллигининг кенгайиши бу масалада умумжаҳон тенденциясининг жараёнларга мослашуви рўй бераётганини кўрсатади. Бирок, бу жараёнга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ХУЮК соҳасидаги илмий ходимлар ва аҳоли томонидан муносабатлар бир хил эмас.

Қарорлар қабул қилиш услуги вазиятга қараб ишга солинади. Улар жамоа ёки яққа тартибда қабул қилиниши мумкин.

### **3. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг вазифалари ва мазмуни.**

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ташкилий тузилиш сифатидаги ролини қараб чиқамиз. Улар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш шакли, ҳудудий тузилиши (маҳаллий уюшмалар) аҳолисининг номидан иш юритадилар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: улар, яъни органлар муайян объектга объектив тарзда хос бўлган икки турдаги вазифаларни амалга оширишлари керак:

- унинг манфаатини ифодалаши;
- бу манфаатларни амалга ошириш.

Бу икки турдаги вазифаларга икки турдаги органлар мувофиқ келади:

- ваколатли ва ижроия органлари.
- ижроия.

Шаҳар ҳокимиятида ер ресурсларини бошқариш хусусиятини кўриб чиқамиз:

- шаҳар ҳокимлиги - шаҳар ўз-ўзини бошқаришнинг ваколатли органи;
- шаҳар маъмурияти - ижроия орган, у орқали ўз-ўзини бошқаришни шаҳар ҳокими ҳудуд бўйича ўзининг ваколатини амалга оширади;
- қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурияти-ижроия органдир, улар орқа маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг шаҳар ҳокими ўзининг ваколатини амал оширади.
- оқсоқоллар - посёлкалар, қишлоқлар, овулларнинг сайланган мансабдор шахси:

1) Туман (шаҳар) ҳокимиятининг ер ресурсларини бошқариш бўйич тамайиллари (мақсадли мўлжал тамайили):

Ҳар қандай ҳокимият тузилишининг мақсади биргаликдаги фаолиятнинг муайян мақсадларига таянади. Ривожланиш мақсадларини хатосиз аниқлаш ва ўрнатишни билиш бошқаришнинг энг муҳим ва аҳамиятли жиҳатидир. Ҳокимият фаолиятининг мақсади ва вазифаларининг дастлабки аниқланиши ўзининг ҳуқуқ доирасини шаклланиши пайтида рўй беради.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқ доирасида бўлишининг иккита усули бор:

- қонун орқали давлат томонидан муайян вазифаларнинг юклатилиши: Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида



Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган.

- низоми орқали аҳоли томонидан муайян мажбуриятларни юклатилиши.

Шундай қилиб, давлат ва аҳоли олдида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг мажбуриятлари чегараси шаклланиши амалга оширилади. Бу чегаралар доирасида маҳаллий ҳокимият бирламчи йўналишининг ривожланиши шаклланади. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ижроия тузилиши шаклланиши зарур.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ечадиган вазифалар уларнинг ваколатларига тўғридан-тўғри боғланган. Шунинг учун ҳудудда турмуш ва хўжалик юритиш шароитларида рўй бераётган ўзгаришларни кузатиб бориш жуда муҳим.

2) Вазифаларни горизантал бўлиниш тамойиллари.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бажарадиган вазифалар хилма-хилдир. Шунинг учун маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тузилишлари Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ўз - ўзини бошқариш» қонунида кўзда тўтилган.

Ҳудудий вазифаларни таксимланиши деганда бир хил даражадаги мансабдор шахслар ва органлар ўртасидаги вазифаларнинг чегараланиши англашилади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ижроия органи куйидагиларни амалга ошириши керак:

- ижория фармойишини бериш вазифаси;
- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари юритишларига киритилган маҳаллий бюджет, ҳудуднинг ижтимоий, иқтисодий ривожланиши мажмуаси ва бошқа масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш.

Ижроия органининг тузилишини режалаштиришга киришишдан олдин, бошқарувчилик қарорини қабул қилишни хар бир босқичида унинг роли ва ўрни кузатилиши зарур. Ўтказилган таҳлил натижасида Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ижроия органи ечадиган барча масалалар мажмуасини камраб оладиган фаолият тузилиши бўлинмаларини бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин:

- молиявий ва иқтисодий режалаиштириш, аналитик, маъмурий бўлинмалар назорати вазифаларини бажарадиган умумий ҳуқуқ доиралари бўйича бўлинмалари тузилиши;

- шаҳар хўжалиги ва бошқаришнинг аниқ тармоғи билан шугулланувчи бўлинмаларнинг тармоқ тузилиши:

- иккита биринчи гуруҳга киритилган сервис хизмат кўрсатиш тузилмалари вазифасини бажарувчи бўлинмалар.

Ижроия органининг тузилишини режалаштириш пайтида ўша ёки бошқа вазифага тегишли тузилмавий бўлинмаларнинг қайси турдалигини белгилаш муҳимдир. Чунки бундай бўлинмалар тузилишининг салоҳияти ходимларнинг жой-жойига қўйилишига боғлиқ.

3) Вазифаларни вертикал таксимлаш тамойили.

Туман (шаҳар) ҳокимияти ҳудудида қатор вилоят, республика ва минтақа тузилмалари мавжуд, Уларсиз ҳокимиятни бошқариш мумкин эмас. Уларга қуйидагилар тегишли:

- вилоят ва минтақага буйсунадиган ҳар қандай мулкчиликнинг хўжалик юритувчи субъектлари;
- минтакалар ёки вилоятдаги бошқариш органлари мавжуд бўлган фуқаролар бирлашмаси, жамоат ташкилотлари ва бошқалар;
- вилоят маъмуриятларининг ҳудудий бўлинмалари.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг юкорида санаб ўтилган гуруҳлари, бир қанча вазифаларни ижро этиш мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар меъёрий орган сифатида, муайян турдаги ишларга буюртмачи сифатида, хўжалик фаолиятини бажариш учун шароит яратиб берувчи ташкилот сифатида иш юритиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг энг муҳим хусусиятлари қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганилганига боғлиқ, бу энг аввало, ерга тегишли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш илмий асосланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқаришга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўпланган тажрибага риоя қилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 апрелдаги «Ер кодекси»; «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги 1993 йил 6 майдаги «Ер солиғи тўғрисида»ги, 1998 йил августдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонунлар; Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлидаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрининг ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида»ги ва бошқа ҳужжатлар ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, ерга эгаллик қилиш ва ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 15-моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри ерларининг табиий, хўжалик ва ҳудудий тартиби тўғрисидаги, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати тўғрисидаги, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, уларни ер участкалари мулкдорларига, ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, посёлка, қишлоқ ва овуллар, ўзини-ўзи бошқариш органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжал-лангандир. Давлат ер кадастри муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Унинг маълумотларидан турли масалаларни ҳал қилишда, жумладан, ер солиғи, ер майдонларига ижара ҳақи миқдорларида белгилашда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини

режалаштиришда, ер тузишда, ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

### Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси

#### Режа:

1. Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш.
2. Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси.

*Таянч иборалар:* дунё мамлакатлари, бошқариш, ер ресурслари, объект субъект, қуруқлик, тупроқ, география, қишлоқ хўжалиги.

#### Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш.

МДХ давлатларида ер кадастри асосан республикамизда юритилаётган давлат ер кадастрининг тамойилларига ҳамда вазифаларига яқин услубда олиб борилади. Аммо шу билан бир қаторда баъзи бир хусусиятларга эгадир. Бундай хусусиятлар асосан МДХ давлатларида ер майдонларининг бир қисмини хусусийлаштирилганлиги, тўғридан - тўғри бозор муносабатларига тортилганлиги билан боғлиқдир.

Россия федерациясида ер кадастрини юритиш, асосан, ер ресурслари ва ер тузиш Давлат қўмитасига юклатилган. Давлат қўмитаси ўз фаолиятини Россия Федерациясининг Конституциясига, қонунларига, Президент фармонларига, Давлат думасининг ва Россия Федерацияси ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ҳолда амалга оширади.

Россия Федерацияси ер ресурслари ва ер тузиш Давлат қўмитасининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, атроф муҳитни яхшилаш бўйича давлат сиёсатини ўтказиш;
- ерларни хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати;
- давлат ер кадастри ва мониторингини юритиш;
- ер тузиш, давлат ер кадастри ва мониторинги ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- федерал ва бошқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар банкни юритиш;
- ердан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг барча шакллари ривожлантиришнинг иқтисодий манфаатдорлиги бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ўзига юклатилган юқоридаги вазифаларга мос ҳолда Россия Федерацияси ер ресурслари ва ер тузиш давлат қўмитаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг бош йўналишларини ишлаб чиқади;

- ер муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган мақсадли давлат дастурлар, қисқа ва узоқ муддатли башоратларни ишлаб чиқишда катнашади;

- ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат дастурларини ишлаб чиқади;

- ер тузишни ўтказиш, давлат ер кадастри ва мониторингини юритиш бўйича ишларни ташкил этади;

- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг давлат назоратини амалга оширади;

- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича илмий - услубий ҳамда моддий-техник тадбирларни таъминлайди;

- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун топографо-геодезик, картографик, тупроқ, агрохимёвий, геоботаник ва бошқа тадқиқотлар ҳам. қидирув ишларини ташкил этади ва ўтказади;

- ер солиғи ставкалари ва ерларнинг меъёрий қийматларини аниқлаш, шунингдек, ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- ер ресурсларининг миқдори ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ягона банкини яратади;

- ер тузиш ва ер кадастри хизмати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни ташкил этади ва хоказолар. Илмий-тарихий манбалар шундан гувоҳлик берадики, Россиядаги кадастр тўғрисидаги биринчи маълумотлар X асрга тааллуқли бўлиб, у ҳам бўлса ер солиғини йиғиш ва ерларни баҳолаш ишлари билан боғлиқдир.

Кадастр чегаралаш ва ерларни ажратиш учун хариталаш бўйича ишларни юритиш тўғрисидаги биринчи қайдлар 1843 йилга тааллуқлидир. Россия ер кадастридаги картографик материалларда асосан рўйхатлаш, чегаралаш ва кузатиш дафтарларидан олинган маълумотлар бўлган. Бу маълумотлар, асосан, жойда ерларни ўлчаш натижалари бўйича тузилган. Ерларни ўлчаш ишлари «ўлчов иплари» (иплар 20,40,80 саженли, 1 сажен=2,1336 м) ёрдамида амалга оширилган. Ерлар сифати бўйича «яхши», «ўртача» ва «ёмон» га ажратилган.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб ерларни чегаралаш ишлари ер эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадлари учун анча кенгайтирилди. 1765 йили ерларни давлат чегаралаш тўғрисида комиссия тасдиқланди. Россия империясининг ерларини чегаралаш бўйича ишлар асосан XIX асрнинг бошларига келиб якунланди. XVII асрнинг охирига келиб Россияда қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмон фонди ерлари эмас, ҳатто шаҳар ҳовлиларини ҳам қайд қилиш ва ҳисобини юритиш ҳужжатлари тузиладиган бўлди.

Ерга ва бошқа табиий ресурсларга давлат мулкчилигининг вужулга келиши муносабати билан уларнинг ва бошқа объектларнинг ҳолати

тўғрисидаги маълумотларнинг бир тизимга келтирилган тўплами сифатида кадастр турли минтақалар ва яхлит мамлакатни марказлашган иқтисодий бошқарувнинг муҳим бир механизм сифатида намоён бўлиши зарур эди. Шунинг учун ҳам табиий ресурсларнинг турларидан катъий назар Россияда яратилган барча кадастрлар давлатнинг тадбири бўлиб қолаверади ва улар ягона, аммо бир тармоқнинг ҳар бир ресурсга бўлган талабига мос ўтказилади.

Кадастр дунёнинг барча мамлакатларида юритилади. У ҳисоб-китоб, баҳолаш, турли табиий ресурслар, инженерлик фаолиятлари ва экологик ҳолат тушунчалари билан узвий боғлиқдир. Чет эл амалиётида "кадастр" тушунчасини кўпинча "кўчмас мулк" тушунчаси билан боғлайдилар. Айрим манбалар унга "ер участкаларининг миқдори, қиймати ва мулкчилиги бўйича маълумотларни ўзида жамлаган "ижтимоий қайднома" қоидасини берадилар, бошқалари эса "архив билан чамбарчас боғлиқ бўлган, чегараларни тасвирга олиш ва харитада график ёритилган мулкнинг ҳолати, ҳуқуқи, табиати, ўлчамлари ва фойдаланишига асосланган барча кўчмас мулкнинг ижтимоий услубий ташкил этилган инвентари" қоидасини берадилар. Бунда кўчмас мулк деб унинг устки қисми билан биргаликда ерни ҳамда атроф-муҳитни, ҳаво кенглигини, тупроқ остини, бино ва иншоотларни, турли-туман табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий воқеликларни тушуниш мумкин.

Бугунги кунда Россия Федерациясида юритилаётган кадастрни ўз моҳияти бўйича учта катта тоифага бўлиш мумкин: солиқ ёки фиксал - солиққа тортиш тартиби ва миқдорларини аниқлаш мақсадида кўчмас мулкни тавсифлаш учун; ҳуқуқий ёки юридик - мулк эгаллиги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун; кўп мақсадли - кенг спектрдаги ҳуқуқий, иқтисодий, экологик, қурилиш масалалари, шунингдек, ҳудудни ривожлантиришни бошқариш ва режалаштириш муаммоларини ҳал қилиш. Кўп мақсадли кадастр ўз ичига турли типдаги объектлар: ер, ўрмон ва бошқа табиий ресурслар, инфратизимлар, ижтимоий-иқтисодий воқеликлар тўғрисидаги маълумотларни олади.

Юқорида берилган маълумотлар ва услубларни таҳлил қилиш республикамизда юритилаётган ер кадастрини назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш имконини беради.

Ғарбий Европа давлатларининг кадастр тизими умумий жиҳатдан бир хилдир, яъни участкалар регистрини юритиш, кадастр хариталар тузиш ва ҳуқуқий ёзувларни юритиш. Ривожланган давлатларда, ер эгаликларини ҳисоб қилиш техникаси турличадир, шунга карамасдан кўчмас мулк участкаларининг реестри ҳар бир мамлакатда мавжуд. Бундай реестр, одатда, ерларни рўйхат қилиш ер китоби ёки унинг таркибий қисми бўлиши мумкин. Кадастр учун тасвирга олишнинг мажмуаси сифатидаги ва ерларни рўйхатга олиш қоидасига биноан ягона ташкилий хизматни яратади. Баъзи ҳолларда бу хизмат турлича йўналишларда иш бажаради, аммо маълумотларни алмашишда, ўзаро назоратни ва кўп мақсадли кадастрини яратишда улар ўзаро бирлашишади. Ғарбий Европа давлатларида кадастр тизимининг

умумий белгиси шундан иборат бўлиб, улар маълумотларни доимий равишда янгиланиб туришини таъминлайдилар. Ердан фойдаланиш маълумотлар тизими учун ягона кафолатдир. Уларнинг умумий белгиларига рўйхатга олиш маълумотларини юритиш техникасининг ўхшашлигини киритиш мумкин. Қоидага биноан, ер участкаси ердан фойдаланишнинг типлари, майдони, унда жойлашган қурилмаларнинг турлари, жойлашган ўрни, эгаси тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа регистрларга мурожаат қилиш ҳамда ҳудуд ва унинг эгаси тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ўзида жамлаши билан тавсифланади. Бундай турдаги маълумотлар бошқа маълумотлар билан биргаликда мулкдорлик ҳамда улар эгалигидаги ер участкалари тўғрисидаги кўп қиррали маълумотларни олиш имконини беради.

Умумевропа тушунчаси бўйича инглиз кадастр тизими юқоридаги умумий қоидалардан фарқ қилади. Англияда кадастр фақатгина картографик маълумотлардан иборат бўлиб, асосан ер участкаларининг чегаралари ҳамда кўчмас мулкнинг таркиби тўғрисида маълумот беради. Европанинг бошқа давлатларидаги кадастр тизимлари белгиларининг бир хиллиги шу билан тушунтириладики, улар тўғридан-тўғри ёки қисман француз намунаси асосида вужудга келган.

Француз кадастр тизимининг бош мақсади ерларни солиқга тортишни таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги кунгача у фискал тизим сифатида хизмат кўрсатади: унинг маълумотлари турли хил - ер ва кўчмас мулкка тааллуқди бўлган мулк солиқларини ҳисоблаш асоси ҳисобланади. Аммо Францияда барча ҳуқуқий қўшилмалар билан биргаликда ер рўйхати мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйича тизимли маълумотлар билан тўла таъминлай олмайди. Париж, Лилль, Марсел каби йирик шаҳарлар ўз ҳудудларининг хусусий кўп мақсадли кадастр тизимларини яратган.

## **2.Дунё мамлакатларида ер ресурсларини бошқариш тажрибаси.**

Германияда солиқ кадастрдан ривожланган ҳолда юридик тизимнинг бир қисми сифатида расмийлашган кадастр тизими мавжуд бўлиб, у ер эгаликлари ва ердан фойдаланиш ҳамда топографик тасвир маълумотларининг функциялари тўғрисидаги кенг кўламдаги маълумотларни ўз ичига олади. Фарбий Германияда 1935 йилда юз берган ер тузишнинг барча информацион тизимини қайта ташкил этиш, кейинчалик эса, 1945 йилдаги мамлакатни урушдан сўнгги қайта қуриш мавжуд кадастр тизимининг қайта кўриб чиқилишини талаб қилди. Кадастр хариталарини ишлаб чиқиш ердан фойдаланиш ва ер тузишга тааллуқли бўлган маълумотларни қайта ишлаш билан бирлаштирилди. 1970 йилдан округлар ва йирик шаҳарлар ерларида ер китобларидаги, кўчмас мулк кадастри, солиқ кадастри ва картографик материаллардаги маълумотларни ўзида жамлаган кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлаштирилган маълумотлар базаси яратилди. Германиядаги турли информацион хизматлар ўртасидаги ўрнатиладиган алоқалар натижасида ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги кўп мақсадли автоматлаштирилган маълумотлар банки шакллантирилади. Бошқа автоматлаштирилган маълумотлар банки билан биргаликда бу банк

умуммиллий инфор­мацион тизимни ташкил қилади. Бу тизим ердан фойдаланишни, кўчмас мулкни ҳудудий режалаштириш ва иқтисоди билан боғлиқ кенг муаммоларни ҳал қилади.

Голландия кадастр хизмати ерга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган, аммо қонун бўйича кўчмас мулкка қирадиган бир қанча қўшимча маълумотларнинг рўйхатини юритиб боришга масъулдир. Масалан, кемалар, самолётлар ва уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар. Кадастр маълумотларини бу каби кенгайтирилиши бир қатор фуқаролик статистикаси («очик кадастр» концепцияси) йўналишлари хизматини ёйиш мажбуриятини юқловчи қонун билан боғлиқдир.

Швеция кадастри аста-секинлик билан кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлашган миллий маълумотлар банкини аҳоли, иқтисодий статистика, солиққа тортиш ва рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар банки билан қўшилиб кетиши натижасида ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги кўп мақсадли инфор­мацион тизимга айлан­тирилди. Бу давлатларда ер кадастри иккита регистрдан иборат ҳолда юритилади. Ер ва кўчмас мулк. 1936-1974 йиллари 1:10000 масштаблардаги фото­плён­калар асосида ишлаб чиқилган ҳамда ер участкалари ва бинолар чегараларини ягона қайд қилиш тизими­га асосланган мамлакатнинг бутун ҳудудини камраб олган кадастр хариталарининг миллий фондини яратиш дастури амалга оширилган. 1974 йилдан бошлаб бу мақсадлар учун 1:2000 масштабдаги кадастр хариталаридан фойдаланилди. Уларни тузиш учун маълумотлар асосан кўчмас мулк тўғрисидаги умумдавлат автоматлаштирилган маълумотлар банкидан фойдаланилади. Тиғиз қурилган шаҳарлар ҳудудининг кадастр хариталари тузилади ёки маҳаллий муниципал хизматга буюртма берилади, улар 1:500 гача катталиқдаги масштабларга эга бўладилар.

Швеция сингари Норвегия кадастри ҳам эгаликлар, манзиллари ва бинолар типлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган инфор­мацион кадастр тизими­га бирлаштирилган. Турли гуруҳ маълумотлар бир-бирлари билан боғланган ҳамда координатали ёки объектларнинг индентификацион кодлари орқали географик жиҳатдан ажратиш мумкин. Норвегияда ҳам Швеция сингари объектларни қайд қилиш стандартлари улар ўртасидаги инфор­мацион алоқалар қонун билан белгиланган. Тизимнинг ўзи эса давлат томонидан назорат қилиниб, уларни ишлаб чиқиш ва қўллаш давлат томонидан молияланади. Финландияда объектни кадастр баҳолаш ишларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти, қишлоқ ҳудудларининг регистри давлат томонидан, шаҳарлар ҳудудининг регистри эса муниципал маъмурият органлари томонидан амалга оширилади. Яқин келажакда умуммиллий электрон инфор­мацион тизимга ўтиши натижасида юқоридаги фарқ ҳам барҳам топади.

Жанубий Европа давлатларидан ҳисобланган Италияда юритиладиган кадастр Марказий Европада тарқалган тизимга ўхшашдир. Кадастрни (ер участкаларининг регистри) ер эгалари тўғрисидаги (ер регистри билан) маълумотлар билан боғлиқлиги фақатгина мулк эгаларининг исмларидан



фойдаланган ҳолда мумкин бўлади. Автоматлаштирилган маълумотлар банкини киритиш асосида ушбу иккита регистрни бирлаштириш рўйхатга олиш тизимига ҳам ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Италия кадастрининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, бу ерда 1939 йилдан буён биноларнинг регистри тизимли тарзда юритилиб келинмоқда.

АҚШда ерларни ўрганиш қишлоқ хўжалик вазирлигидаги тупроқларни муҳофаза қилиш махсус хизмати томонидан олиб борилади. У марказий органдан, штатлардаги филиаллардан ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича 2400 га яқин бўлинмалардан ташкил топган. Тупроқни муҳофаза қилиш хизмати тупроқ катламларини ўрганишга катта аҳамият беради. Ушбу материаллар ерларни таснифлаш орқали қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилади. Бу хизмат тупроқ кузатувларини амалга оширади, ерлардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги зарур тавсияномаларни ва қарорларни чоп этади. Тупроқ кузатувлари маълумотларини амалий зарурият учун фойдаланиш мақсадида жамлаш асосида ерларни таснифлаш амалга оширилади. Қўйилган вазифаларга қараб АҚШда ерларни таснифлашнинг турли тизимлари қўлланилади. Масалан, тупроқлар қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлилиги бўйича, ерларнинг махсулдорлиги бўйича ва бошқа синфларга гуруҳланиши мумкин.

АҚШда ерларни сифат жиҳатдан баҳолаш қишлоқ хўжалик ерларининг махсулдорлиги бўйича амалга оширилади. Ҳайдалма ернинг махсулдорлиги энг камида 10 йил давомидаги асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликлари бўйича аниқланади. Ҳосилдорлик эса сўров натижалари ёки махсус анкета ёрдамида аниқланади. Аммо ҳосилдорлик хўжалик юритиш даражасига ҳамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ҳосилдорлик тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда алмашлаб экиш тизими, тупроқларни ишлаш, ўғитларни қўллаш, мелиорация ва бошқа тадбирлар тўғрисида ҳам маълумотлар тўпланади. Ушбу маълумотлар асосида хўжалик юритиш синфлари белгиланади.

Энг махсулдор ерларни аниқлаш мақсадида АҚШда ерларни иқтисодий жиҳатдан таснифлаш ўтказилади. Бунда қатор табиий омиллар билан бир қаторда баъзи иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, хўжалик ўлчамлари, ердан фойдаланишнинг таркиби, жадаллашганлик даражаси, хўжалик-нинг жойлашган ўрни ва даромадлилиги, меҳнат харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

АҚШда ҳам ҳалигача ерларни иқтисодий баҳолашнинг ягона услубияти яратилган эмас. Алоҳида штатларда фойдаланиладиган бир қанча услубиятлар мавжуд. Улар ичида кенг тарқалгани, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш натижасида олинadиган соф даромад қиймати бўйича ерларни баҳолаш услубиятидир.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» 1997.
2. Атлас. Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари Т., 2001.
3. Абдуллаев С. Номозов Х. Тупроқ мелиорацияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., 2011.
4. Мақсудов Ж., Нагаев Г., Ақромов И. Қўзиёв Р., Аҳмедов А. Тупроқ хариталари ва ерларни баҳолаш ҳужжатларидан фойдаланиш. Т., 2000.
5. Намозов Х. Ҳайдаладиган ерларнинг иқтисодий баҳоси. Т., 2003.
6. Намозов Х.Қ.-Ер ресурсларидан фойдаланишда ер кадастрининг роли ва тупроқ унумдорлигини ошириш йўллари. ТошДАУ. Т., 2001.
7. Намозов Х.Қ, Шадраимова К.И, Турдиметов Ш.М Тупроқ бонитировкаси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., 2004.
8. Ниғматов.А. Ер ҳуқуқи. «Тошкент Ислом Университети» 2001.
9. Норқулов У. Шералиев Х. "Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси". "Ўзбекистон миллий энциклопедияси". Т., 2003.
10. Расулов А., Эрматов А. - "Тупроқшунослик деҳқончилик асослари билан" "Ўқитувчи". Т., 1980.
11. Раҳмонов Қ. Ер ресурсларини бошқариш.Т. 2008.
12. Сатторов Д., Мусаев Б. Тупроқшунослик, агрокимё ва мелиорацияга оид халқаро атамалар бўйича русча-ўзбекча луғат. «Мехнат». Т., 1992.
13. Турсунов Л.Т. "Тупроқ физикаси". "Мехнат". Т., 1988.
14. Туропов И., Намозов Х.Қ-Ер кадастри. Т., 2003.
15. Узоқов П., Бобоҳўжаев И. – «Тупроқшунослик». «Мехнат». Т. 1995.
16. Умаров М.У.«Почвы Узбекистана». «Фан». Т. 1975.
17. Шадраимова К.И., Намозов Х.Қ. Лалмикор тупроқлар бонитировкаси, уларни иқтисодий ва қиймат баҳоси. Т., 2003.
18. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри» тўғрисидаги қонунлари. Т., 1998.
19. Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри» тўғрисидаги қонун. Т., 1998.
20. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот.Т.2003.

## ТЕСТ

1. **Қишлоқ хўжалик ер турларига қайси ерлар киради?**
  - A. Ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйлов ерлар.
  - B. Қишлоқ хўжалик мақсади учун ажратилган барча ерлар.
  - C. Аҳоли яшаш жойлари, экин ерлар, боғзор, токзор ва тутзорлар
  - D. Фермер ва деҳқон хўжалиги учун ажратилган ерлар
2. **Республикамизда мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар майдони қанча?**
  - A. 374.9 минг га
  - B. 4313.7 минг га
  - C. 500.0 минг га
  - D. 430.0 минг га
3. **Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари нечта?**
  - A. 13 та
  - B. 10 та
  - C. 15 та
  - D. 20 та
4. **Ер муносабатларини тартибга солишга оид вилоят, туман ва шаҳар ҳокимиятлари давлат идораларининг ваколатлари “Ер кодекси”нинг қайси моддаларида берилган?**
  - A. 1-боб 5, 6 ва 7 моддаларида
  - B. 6-боб 3, 4 ва 5 моддаларида
  - C. 4-боб 1, 2 ва 3 моддаларида
  - D. 2-боб 5, 6 ва 7 моддаларида
5. **Фуқароларга якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларини бериш қайси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади?**
  - A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги “Якка тартибда уй-жой қуриш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 272-сонли қарори бўйича
  - B. “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (27.05.1999 й.)
  - C. “Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш тўғрисида”ги Низом (23.12.2000 й.)
  - D. “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низом (30.12.2006 й.)
6. **Якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида ер участкасини олиш учун берилган аризага туман (шаҳар) комиссияси қанча муддатда ҳулоса бериши шарт?**
  - A. 10 кун муддатда.
  - B. 5 иш куни муддатида
  - C. 1 ой муддатда.
  - D. 15 кун муддатда

- 7. Ердан оқилона фойдаланиш талабларини бузишни олдини олишнинг тезкор ҳуқуқий чораларини белгилаш нормаларига нималар киради?**
- A. Вақтинчалик тўхтатиб туриш, чеклаш, қайта ихтисослаштириш, жазони муқаррарлигини таъминлаш ва х.к.
  - B. Огоҳлантириш, тилхат олиш
  - C. Далолатнома тузиш, ҳуқуқ тартибот органларига хабар бериш
  - D. Жарима белгилаш, огоҳлантириш, фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш
- 8. Ер участкасини кимошди асосида сотишда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори кимошди натижалари асосида қанча муддатда қабул қилинади?**
- A. 10 кун муддатда
  - B. 20 кун муддатда.
  - C. 5 иш куни муддатида
  - D. 1 ой муддатда
- 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492-сонли қарори нима ҳақда қабул қилинган?**
- A. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида.
  - B. Фермер хўжаликларини ер майдонларини оптималлаштириш ва мақбуллаштириш ҳақида.
  - C. Ягона Давлат кадастрлари тизимини юритиш тўғрисида
  - D. Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш тўғрисида
- 10. “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қачон қабул қилинган?**
- A. 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори.
  - B. 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори
  - C. 2008 йил 28 августдаги 476-сонли қарори
  - D. 2009 йил 30 мартдаги 372-сонли қарори
- 11. Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотларидан кимлар фойдаланиши мумкин?**
- A. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимиятлар, солиқ органлари, юридик ва жисмоний шахслар
  - B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси, вазирлик ва идоралар
  - C. Вазирлик, кўмита, идора ва ташкилотлар
  - D. Вазирлик, кўмита, идора, юридик ва жисмоний шахслар, туман (шаҳар) ҳокимиятлари
- 12. Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари юритиш тартиби қайси қонунда белгиланган?**
- A. “Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни (1998 й.)
  - B. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” (1998 й.)

- C. “Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуни (2000 й.)
- D. “Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари тўғрисида”ги Қонуни (1998 й.)

**13. “Топоним” сўзининг луғавий маъноси нима?**

- A. Географик ном, ҳар қандай географик объектнинг атоқли оти, номи
- B. Шаҳар, кўча, тарихий обидаларга қўйилган ном
- C. Географик объектлар номи
- D. Шартли равишда бирор бир объект, кўча, шаҳар, туманга қўйиладиган географик ном

**14. Ер участкасидан мақсадли фойдаланишни рағбатлантириш нормаларига нималар киреди?**

- A. Ер тўлови имтиёзлари, рағбатлантириш жарималарини ташкил қилиш, кредитлаштириш ва х.к.
- B. Солиқ юкини енгиллаштириш, қўшимча ер ажратиш, имтиёзли кредитлар бериш
- C. Ер солиғи имтиёзлари, қўшимча ер майдони бериш, техника сотиб олишда имтиёзли кредитлар бериш
- D. Иқтисодий, маънавий ва моддий рағбатлантиришни ташкил этиш

**15. Давлат ер кадастри нима?**

- A. Ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсмоти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тизими.
- B. Ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритувчи барча субъектларни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантиришга мўлжалланган тизим.
- C. Маълумотлар баъзаси.
- D. Ер участкаларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган, қонуний асосга эга бўлган, ер фондини доимий кузатиб бориш натижасида иқтисодиётни ривожлантириш манъбаи.

**16. Давлат ер кадастри қандай меъёрий ҳужжатларга асосан юритилади?**

- A. “Ер кодексига,” Давлат ер кадастри тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ юритилади.
- B. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Фуқаролар кодексларига асосан юритилади.
- C. Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва туман ҳокимларининг қароларига асосан юритилади.
- D. Тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари томонларидан ҳар бир ҳудуд учун алоҳида юритилади.

**17. Давлат ер кадастрининг объекти нима?**

- A. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди.
- B. Ҳар бир кадастр минтақаси ер ресурслари.
- C. Захира ерлардан ташқари фойдаланилаётган барча ерлар.
- D. Экин экиладиган, фойдаланиладиган барча ерлар.

**18. Давлат ер кадастрининг мақсади?**

- A. Ер муносабатларини тартибга солиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, ер учун ҳақ тўлаш миқдорларини асослаш ва хўжалик фаолиятини баҳолаш.
- B. Барча ердан фойдаланувчиларни кадастр ҳужжатлари билан таъминлаш.
- C. Юридик ва жисмоний шахсларни қонуний асосга эга маълумотлар баъзаси билан таъминлаш.
- D. Республика ер фондида бўладиган барча ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш.

**19. Давлат ер кадастрининг вазифалари?**

- A. Ер кадастри ахборотини ишлаб чиқиш технологиясини доимий равишда такомиллаштириш, тизимлаштириш, сақлаш ва фойдаланувчиларга ишончли ер кадастри ахборотини бериш.
- B. Барча ердан фойдаланувчиларни давлат ер кадастри ҳужжатлари билан таъминлаш.
- C. Ерларни сифат ва қиймат жиҳатдан ҳисобга ва рўйхатга олиш.
- D. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини кадастр маълумотлари ва ҳужжатлари билан таъминлаш.

**20. Давлат ер кадастри маълумотлари кимларга мўлжалланган?**

- A. Ер муносабатларини тартибга солиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, ер учун ҳақ тўлаш миқдорларини асослаш ва хўжалик фаолиятини баҳолашга мўлжалланган.
- B. Юридик ва жисмоний шахсларга.
- C. Барча ердан, бино-иншоотлардан ва кўчмас мулк объектларидан фойдаланувчиларга.
- D. Давлат солиқ инспекцияларини маълумотлар билан таъминлашга.

**21. Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари?**

- A. Ердан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳамда қиймат жиҳатдан баҳолаш.
- B. Ер мониторинги, ерларни харита асослари билан таъминлаш, ер ҳисобини юритиш.
- C. Ариза қабул қилиш, жойда ўлчаш ишларини амалга ошириш, кадастр чизмасини чизиш ва кадастр ҳужжатлари цийғма жилдини яратиш.
- D. Инженерлик қидирув ишларини олиб бориш, суратга олиш харита асосларини яратиш.

**22. Давлат ер кадастрининг асосий тамойиллари?**

- A. Республика бутун худудини қамраб олиш, фазовий координаталар ягона тизимини қўллаш, ер кадастри ахборотини ишлаб чиқиш услубиётининг бириги ва узлуксизлиги ҳамда кадастр ахборотининг ишончлилиги ва тежамлилиги.
  - B. Ошкоралик, тезкорлик, аниқлик ва принципиалилик.
  - C. Янги технологияларни қўллаш, режа ва топшириқларни ўз вақтида ва мукамал бажариш.
  - D. Юқори аниқлик, фақат давлат манфаатларини кўзлаш.
- 23. Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?**
- A. 1998 йил 28 август
  - B. 1998 йил 29 апрел.
  - C. 2000 йил 31 декабр.
  - D. 1996 йил 17 июл
- 24. Давлат ер кадастри бошқа кадастрлар учун қандай аҳамиятга эга?**
- A. Бошқа кадастр тизимлари ва мониторинглари яратиш ва юритиш учун фазовий-ҳуқуқий асос ҳисобланади.
  - B. Ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки ҳар битта катастр тури мусақил равишда алоҳида юритилади.
  - C. Бошқа кадастрларга алоқаси йўқ.
  - D. Бошқа кадастр тизимлари билан тенг ҳуқуқли алоҳида юритилади.
- 25. Давлат ер кадастри ахборотлари қандай ахборотларга бўлинади?**
- A. Асосий ва жорий.
  - B. Якуний ва тугалланмаган
  - C. Юридик ва жисмоний шахслар тайёрланган ахборотларга.
  - D. Давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун тайёрланган ахборотларга.
- 26. Давлат ер кадастрининг мазмуни?**
- A. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ер миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, ерни қиймат жиҳатдан баҳолаш, ер кадастри ахборотини тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва истемолчиларга бериш.
  - B. Мамлакат ер фондини асраш, ундан самарали фойдаланиш ва салбий ҳолатлардан сақлаш.
  - C. Мамлакат ер фондини доимий кузатиб бориш, унинг таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш тизимидан иборат.
  - D. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини кадастр маълумотлари ва ҳужжатлари билан таъминлаш.
- 27. Давлат ер кадастри ким томонидан юритилади?**
- A. Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан.
  - B. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзгеодезкадастр бош бошқармаси томонидан.
  - C. Кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари томонидан.

D. “Ўзгеодезкадастр” бош бошқармасининг кўчмавс мулк давлат кадастри бошқармаси томонидан.

**28. Давлат ер кадастрини юритиш қандай таъминланади?**

- A. Аэрокосмик суратга олиш, инженерлик қидирув тадқиқот ва изланишлар ишларини олиб бориш, ерларни сифат ва миқдор жиҳатдан ҳисобга олиб боришни ва баҳоланишини, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш билан таъминланади.
- B. Янги технологияларни қўллаш, режа ва топшириқларни ўз вақтида ва мукамал бажариш.
- C. Ариза қабул қилиш, жойда ўлчаш ишларини амалга ошириш, кадастр чизмасини чизиш ва кадастр ҳужжатлари қийимга жилдини яратиш.
- D. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини кадастр маълумотлари ва ҳужжатлари билан таъминлаш.

**29. Давлат ер кадастри қандай маблағлар ҳисобидан юритилади?**

- A. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан юритилади.
- B. Юридик ва жисмоний шахслар маблағлари ҳисобидан.
- C. Хўжалик ҳисобида.
- D. маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

**30. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш қандай мақсадларда амалга оширилади?**

- A. Кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларга кадастр рақамлари бериш мақсадида.
- B. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини кадастр маълумотлари ва ҳужжатлари билан таъминлаш.
- C. Мамлакат ер фондини асраш, ундан самарали фойдаланиш ва салбий ҳолатлардан сақлаш.
- D. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини кадастр маълумотлари ва ҳужжатлари билан таъминлаш.

**31. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш қандай меъёрий ҳужжатга асосан амалга оширилади ?**

- A. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 492 сон қарорига асосан.
- B. Ер Кодексига, “Давлат ер кадастри тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ.
- C. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Фуқаролар кодексларига асосан.
- D. Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва туман ҳокимларининг қароларига асосан.

**32. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш материаллари ким томонидан тасдиқланади?**

- A. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан.
- B. Вазирлар Маҳкамаси томонидан.



- C. Туман ҳокимликлари томонидан.
- D. Шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан.

**33. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари нималар?**

- A. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақалар, кадастр зоналари, массивлар, мавзелар, ер учакстқалари.
- B. Республика, вилоятлар, туманлар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари.
- C. Туманлар, Фермкр хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчи субъектлар чегараси.

Бинолар, биноларнинг бир қисмлари ва улар эгаллаган ер майдонлари.

**34. Кадастр рақами нима?**

- A. Ер участкаси, бино, иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикасида такрорланмайдиган рақам.
- B. Ер участкаларининг тартиб рақами.
- C. Ердан фойдаланувчининг ер участкасини олиш вақтидаги навбатдаги рақам.
- D. Махсус код рақами.

**35. Минтақаларга қандай ҳудудлар киради?**

- A. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри.
- B. Туманлар ва улардаги ердан фойдаланувчилар.
- C. Қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлар эгаллаган ер майдонлари.
- D. Республикадаги ҳар бир туман ҳудуди.

**36. Қандай ҳудудлар кадастр зоналарига бўлинади?**

- A. Минтақалар.
- B. Массивлар.
- C. Мавзелар.
- D. Ер участкалари.

**37. Кадастр зонаси нималарга бўлинади?**

- A. Массивларга.
- B. Минтақаларга.
- C. Туманларга.
- D. Қишлоқ фуқаролар йиғинларига.

**38. Кадастр массиви нима?**

- A. Маҳалла ёки қишлоқ хўжалиги ер массивлари .
- B. Туман ҳудуди.
- C. Юридик чегарага эга бўлган ер бўлаги.
- D. Республикадаги ҳар бир туман ҳудуди.

**39. Кадастр мавзеси нима?**

- A. Магистрал йўллар билан чегараланган яшаш ҳудуди .
- B. Қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлар эгаллаган ер майдонлари.
- C. Туманлар ва улардаги ердан фойдаланувчилар.
- D. Қишлоқ фуқаролар йиғинларига.

**40. Кадастр бўйича бўлишнинг дастлабки бирлиги нима?**

- A. Ер участкалари.

- В. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари.
- С. Мавзелар.
- Д. Бино ва иншоотлар.

**41.Кадастр рақами қандай тузилмага эга?**

- А. Минтақа, зона, массив, мавзе, ер участкаси, бино- иншоот ҳамда бино ва иншоотнинг бир қисми рақамларининг икки нуқта билан ажратиладиган тузилмасига эга.
- В. Туманлар, Фермкр хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчи субъектлар ер майдонлари рақамлари.
- С. Туманлар ва улардаги ердан фойдаланувчилар ҳудудлари рақамлари.
- Д. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги ердан фойдаланувчиларнинг кетма кет ёзилган рақами кўринишида.

**42.Сервитут нима?**

- А. Ўзгалар ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи.
- В. Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш.
- С. Иккиламачи ижара ҳуқуқи билан ердан фойдаланиш.
- Д. Ер участкаларидан шартнома асосида фойдаланиш.

**43.Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш муддати?**

- А. Ариза берилган кундан 10 кун.
- В. Ариза берилган кундан 15 кун.
- С. Ариза берилган кундан 20 кун.
- Д. Ариза берилган кундан 30 кун.

**44.Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш мажбурийми?**

- А. Мажбурий.
- В. Ихтиёрий.
- С. Шарт эмас.
- Д. Ердан фойдаланувчининг ихтиёрида.

**45.Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш ким томонидан амалга оширилади?**

- А. Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан.
- В. Туман ҳокимлиги томонидан.
- С. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан.
- Д. Қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан.

**46.Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларга қайси ҳужжатлар кирди?**

- А. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мулк ҳуқуқини берувчи ордер, ижара ва муддатли фойдаланиш шартномаси.
- В. Туман ҳокимининг қарори.
- С. Вилоят ҳокимининг қарори.
- Д. Тегишли суд органларининг ҳал қилувчи қарори.

**47.Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш учун ундириладиган тўлов миқдори?**

- A. Юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми, жисмоний шахслардан эса ўндан бир қисми миқдорида.
  - B. Бир ойлик иш ҳақи миқдорида.
  - C. Бир кунлик иш ҳақи миқдорида.
  - D. Бажарилган ишларнинг ҳажмига нисбатан ҳисоблаб чиқ илади.
- 48.Ердан фойдаланганлик учун тўлов турлари?**
- A. Ягона ер солиғи ва ижара ҳақи.
  - B. Даромад солиғи.
  - C. Мулк солиғи
  - D. Олинган даромаднинг иккидан бир қисми.
- 49.Ўзбекистон Республикаси ер фонди неча тоифага бўлинади?**
- A. 8
  - B. 6
  - C. 12
  - D. 18
- 50.Ер участкаларини ижараси учун асос бўладиган ҳужжат?**
- A. Ижара шартномаси.
  - B. Ўзаро келишув далолатномаси.
  - C. Туман ҳокимининг қарори.
  - D. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарори.